

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ САРДОРБЕК УСМОНХУДЖАЕВИЧ

**АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

22.00.02 - Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Sociological Sciences**

Абдуллаев Сардорбек Усмонхуджаевич Аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий механизмлари	3
Абдуллаев Сардорбек Усмонхуджаевич Социальные механизмы повышения занятости.....	26
Abdullayev Sardorbek Usmonxudjayevich Social mechanisms for increasing employment.....	46
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ САРДОРБЕК УСМОНХУДЖАЕВИЧ

**АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

22.00.02 - Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2014.3-4.83. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида (www.dba.uz/uztadqiqotchilarga/ilmiy-kengash) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи

Алиқориев Нуриддин Сапақориевич,
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Қаххоров Абдулла Ганиевич,
социология фанлари доктори, профессор

Юлдашев Анвар Эргашевич,
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

**«Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик
фикрини ўрганиш маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги илмий даражалар берувчи DSc.20/30.12.2019.S.23.02 рақамли илмий Кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0 (371) 232-60-47, факс: 0 (371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси маъмурий биноси, 11-қават, 1108-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0 (371) 232-60-47, факс: 0 (371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси маъмурий биноси, 11-қават, ___-хона).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Б. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш раиси, соц.ф.д., профессор

Ш.М.Содиқова

Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш котиби, соц.ф.д., профессор

Ф.Я.Парманов

Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, соц.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда демографик жараёнларни баҳолаш асосида демографик вазиятларни бошқариш бўйича, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, иш ўринларини яратиш, инфратузилма, қурилиш, таълим ва тиббиёт муассасаларини режалаштириш каби соҳаларда муҳим қарорлар қабул қилинади. Маълумотларига кўра, «дунёда 7,5 миллиарддан ортиқ одам яшайди ва улардан 192,7 миллиони ишсиз ҳисобланади»¹. Шунингдек, жаҳон иқтисодиёти ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорида зарар кўраётганлиги ва жаҳон бўйича 500 миллион иш ўрни йўқотилганлиги² дунё мамлакатлари учун бандликни ошириш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизликни камайтириш орқали меҳнат бозорига таъсир кўрсатишни социологик таҳлил этиш асосида ривожлантиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, аҳоли бандлигининг меҳнат бозорига таъсири, ишсизликни олдини олиш ва бандликни ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожланишига таъсири, аҳоли бандлигининг меҳнат таклифига ва ижтимоий-иқтисодий ўсишга таъсири, аҳоли бандлигини ошириш, ишсизликни камайтириш ва бандликка меҳнат бозорининг ўзаро таъсирини социологик тадқиқотлар асосида ўрганиш ҳамда илмий изланишлар олиб бориш масаласига эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг бандлигини ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш борасида кенг кўламли ислохотлар жараёни «Ҳаракатлар стратегияси»нинг тўртинчи устувор йўналишида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра, «янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфратузилмасининг мутаносиблиги ва ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини қисқартириш; меҳнатга қобилиятли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини ошириш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш» каби вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларнинг самарали ижросини изчиллик билан амалга ошириш, манзилли ечимини топиш аҳоли бандлигини оширишни, ишсизликни камайтириш ва янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашнинг социологик тадқиқотлар асосида ўрганишни, аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий механизмларини тадқиқ этиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–406-сонли «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида», 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли «Таълим тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ЎРҚ-642-сонли «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонунлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли

¹ <http://countrymeters.info/ru/World>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. <http://uzlidep.uz/news-of-uzbekistan/7998>

«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 27 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлар ижросини таъминлаш ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилиги тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий механизмларини ишлаб чиқиш мавзуси долзарб илмий социологик ва илмий иқтисодий мазмунга эга. Дунёнинг ривожланган давлатларининг тарихига назар солсак, ҳар бир мамлакат иш ва бандлик масаласига доир ўз назарий-методологик ёндашувини, қонунчилигини яратган.

Хорижий олимлардан P.Thompson, B. Claussen, R.Kegan, M.Friedman, M.Granovetter, R. Swedberg³ кабиларнинг ишларида ўрганилган бўлиб, бу тадқиқотчилар меҳнат билан шуғулланиш, иш жойларини ташкил этиш масалалар таҳлилларини амалга оширишган. Бандлик муаммоларини ўрганиш, истиқболни белгилаш услублари ва афзалликлари, бандликнинг давлат тараққиётидаги аҳамиятини классик иқтисодиёт соҳасидаги машҳур олимлар А.Оукен, А.Смит, К.Макконелл, Д.Рикардо, А.Маршалл, И.Фишер, Д.Кейнс асарларида⁴ сабаб ва оқибат алоқадорлигини инобатга олган ҳолда

³ Thompson P. The Nature of Work: An Introduction to Debates on the eLabour Process. L., 2015; Claussen B. Health and re-employment in a two year follow up or long term unemployed // Epidemiol. Community Health. 2013. V. 47 (1) Kegan R. In over our heads: The mental demands of modern life. Cambridge, MA: Harvard University Press, 2014. Friedman M. Money and Economic Development/ M.Friedman// 2013. №4. – P.70. Granovetter M., Swedberg R. (eds.). The Sociology of Economic Life. Boulder, Oxford, 2012.

⁴ Артур Мелвин Оукен (*Arthur Melvin Okun*, 1928—1980) — америкалик иқтисодчи, «Оукен қонуни» муаллифи. Асосий асарлари: «Равнақ топишнинг сиёсий иқтисодиёти» («The Political Economy of Prosperity», 1970); «Нархлар ва ҳажмлар: макроиқтисодий таҳлил». Адам Смит (*Adam Smith*, 1723-1790) — шотланд иқтисодчиси, замонавий иқтисодий назария асосчиларидан бири. Иқтисодиёт соҳасидаги асосий асари: «Халқлар бойлигининг моҳияти ва сабаблари хусусидаги тадқиқотлар» (2011). Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: принципы, проблемы и политика / Перевод с 13-го английского издания. — Москва: ИНФРА-М, 2009. Давид Рикардо (*David Ricardo*, 1772 -1823) — инглиз иқтисодчиси, сиёсий иқтисодиёт классиги. Асосий асари: «Сиёсий иқтисод ва солиққа тортиш тамойиллари» (2017). Сочинения. – М.:2017. Альфред Маршалл (*1842—1924*) — инглиз иқтисодчиси, кембриж мактаби вакили, иқтисодиёт фанида янги классик йўналиши асосчиларидан бири. Асосий асарлари: «The pure theory of foreign trade and the pure theory of domestic values. - L., 1879», «Иқтисодиёт фани принциплари» (*«Principles of Economics», 1890-1891*), Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика/ Пер. с англ. со 2-го изд. –М.: Дело ЛТД. 1995. –с.323. Джон Мейнард Кейнс. Общая теория занятости, процента и денег. Серия: Классики экономической науки - XX век Издательство: Гелиос АРВ, 2002 г. 121-122 с.

кенг ёритилган. Эркин бозор ислохотлари шароитида аҳолини иш билан таъминлашни ошириш, истиқболлари, турмуш даражасини яхшилашнинг ҳам назарий ҳам амалий муаммоларини МДХ давлатларининг машхур иқтисодиёт соҳасининг етук олимлари Н.Волгин, Б.Генкин, Ю.Одегов, Л.Дегтярь, Л.Костин, И.Маслова, Н.Шаталова, Г.Слезингер, А.Кибанов, А.Котляр, Г.Авагян, В.Плакся, Д.Маркович ва бошқалар⁵ томонидан ўрганилган.

Мамлакатимиз олимларидан Қ.Абдурахмонов, Р.Убайдуллаева, С.Абдуллаев, Ш.Зайнитдинов, Б.Муртазаев, Н.Тўхлиев, Х.Абулқосимов, Д.Раҳимова, О.Ата-Мирзаев, Б.Умурзаков, Ш.Холмўминов, Д.Ортиқова, Г.Абдурахмонова, М.Бекмуродов, Н.Алиқориев, О.Абдуазимов, А.Холбеков, А.Умаров, Т.Матибаев, Ш.Содиқова, А.Сеитов, Ф.Парманов, К.Каланов, А.Абдуғаниев ва М. Мирзакаримова кабилар⁶ томонидан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Мамлакатимиздаги меҳнат бозори, аҳоли бандлигини оширишнинг механизмлари, янги иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича замонавий давлат сиёсатининг кўп жиҳатлари илмий

⁵ Генкин Б.М. Экономика и социология труда: учебник для вузов / 5-е издание, дополненное. – М.: Норма, 2005. – С.79. Одегов Ю.Г. Управление персоналом в структурно-логических схемах.-М.: Академический проект. 2005. – С.348. Дегтярь.Л.С. Мировой опыт пенсионных реформ и реформирование пенсионной системы в России. М., 2002, -142 с. Л.А.Костин.«Проблемы экономики труда», 2005 г. И.С.Маслова «Трудовой потенциал советского общества: вопросы теории и методологии исследования» М., 1987.-32 с. Шаталова Н.И. Трудовой потенциал работника/ Н.И.Шаталова-М.:Юнита-Диана, 2003.-339с. Слезингер Г. Э. Труд в условиях рыночной экономики. М.: ИНФРА-М, 1996. Кибанов А., доктор экономических наук, Мамедзаде Г.А., Родкина Т.А. Управление персоналом. Регламентация труда. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: Экзамен, 2004. Котляр А. Э. Занятость населения и рынок труда России в условиях перехода к рыночной экономике: Учебное издание / А. Э. Котляр, И. Н. Кирпа. М.: РГАТиЗ, 2008. - С. 10-12. Авагян Г.Л. Современные теории занятости 2-е, перераб., доп. изд. – М.: Юнити-Дана, 2004. – С.190. Плакся В.И., «Национальная экономика» 2010 Изд. РАГС Москва. Маркович Д. Социология труда: Учебник. - М., 2007., Маркович Д. О предмете и задачах социологии труда // Ж. Социологические исследования. 2006. №3.

⁶ Абдурахмонов Қ.Х. Инсон тараққиёти. – Т.: Иқтисодиёт, 2012; Убайдуллаева Р. Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги. (Социологик тадқиқот). – Т.: Ижтимоий фикр, 2014. – 127 б.; Абдуллаев С.О. Бозор иқтисодиёти шароитида миллий маҳсулот ва уни кўпайтириш муаммолари. – Т.: Молия, 2014. – 140 б.; Зайнутдинов Ш.Н. «Глобализация образования и развитие человеческого капитала»// Бюллетень науки практики. 2019. Т.5.№6. -473-479 с.; Муртазаев Б. Формирование рынков труда. — М.: Экзамен, 2014.-220-225 с; Тухлиев Н.Т. «Национальная экономическая модель Узбекистана»//Электронный журнал. 2000. №5. Абулқосимов Ҳ.П. Макроиқтисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. – Т.: Академия, 2011. – 186 б.; Раҳимова Д.Н. Трудовой потенциал Узбекистана в условиях переходной экономики: проблемы развития и эффективного использования. – Т.: ТашГТУ, 2008. 21-б.; Ата-Мирзаев О. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект — Ташкент : Изд-во мед. лит. им. Абу Али ибн Сино, 2008.; Умурзауов Б.Х. Теоретические и практические аспекты развития сферы малого бизнеса и частногопредпринимательства в Республике Узбекистан. Монография.-Т.: «Иытисодиёт», 2011.; Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004. – 202 б.; Артыкова Д.А. Формирование занятости населения в Республике Узбекистан. – Т.: Фан, 2005. – С. 138.; Абдурахманова Г. К. Макроэкономическое регулирование занятости населения: монография/под ред. ЮГ Одегова //М.: МАТГР. – 2013. 206 б.; Бекмуродов М.Б. Замонавий бошқарув социологияси. Монография. – Т.: YOSHLAR NASHRIYOT UYI, 2020; Алиқориев Н. С «Общая социология». : 1999. -240 б. Холбеков А.Ж., Матибоев Т.Б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 187 б.; Умаров А.О. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. / дис... социология фан.д-ри. –Т.: УзМУ, 2005 й.; Матибаев Т.Б. «Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш омили» социология фанлари. докторлик дис.22.00.02. ЎзМУ, 2018. -15 б. Содиқова Ш.М. Ўзгаришлар социологияси. Ўқув кўлланма. – Т.: Akademiya, 2019 й.; Парманов Ф. Миграция мезони ва урбанизация. <http://www.adolatgzt.uz/society/5425>.; Каланов К.К. Марказий Осиё худудидаги ижтимоий-диний табақалар (диний-экологик ва социоантропологик таҳлил). Т.: 2006 й. - 92 б.; Абдуғаниев А., Мирзакаримова М. Ўтиш даври иқтисодиётида меҳнат бозори. – Т.: Меҳнат, 2009.

тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган, мазкур илмий тадқиқот иши эса аҳоли бандлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва уларнинг истиқбол кўрсаткичларини белгилаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий йўналтирилган дастур ва чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишга қаратилган, бу эса белгиланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация ишининг олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-2017093020 «Олий ва ўрта махсус таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва прогнозлаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда комплекс дастурини яратиш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ижтимоий механизм самарадорлигини такомиллаштириш орқали аҳолининг бандлик даражасини ошириш юзасидан асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аҳоли бандлигининг ретроспектив ҳолатини вақт нуқтаи назаридан таҳлил этиш;

аҳолининг ишсизлар қисмида мавжуд бўлган ижтимоий мотивларини бандлик тузилмалари билан алоқадорлигини социодинамик таҳлил этиш;

бандлик масалаларига доир муаммоларни эмпирик материаллар асосида аниқлаш орқали аҳоли бандлигини оширишнинг салоҳиятли имкониятларини тадқиқ этиш;

аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий механизмининг социологик моделини яратиш ва яқин давр учун уни қўллашнинг соҳа таҳлилининг амалга ошириш;

кадрлар тайёрлашда «таълим муассасаси – ишлаб чиқариш – меҳнат бозори – касбга қайта тайёрлаш – иш берувчи» каби ижтимоий жараёнларни такомиллаштириш технологияларини асослаш;

аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий, сиёсий мазмуни ва уларни ўрганишнинг ҳам илмий, ҳам назарий асосларини тадқиқ этишнинг аналитик-социологик усулини ишлаб чиқиш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятлари ва реал муаммоларини тадқиқ этиб, ресурслардан манзилли фойдаланишнинг устуворлигини назарий жиҳатдан белгилаш;

аҳоли бандлиги даражасини ошириш ҳолати ва унга таъсир этувчи омиллар билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини аҳоли бандлигини таъминлашда иштирок этадиган ташкилотлар фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида аҳоли бандлигини таъминлашда иштирок этадиган ташкилотлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари, бандлик даражасини оширишнинг усул ва воситалари ҳамда ушбу жараёнда вужудга келадиган муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ҳужжатларни ўрганиш, ретроспектив таҳлил, фаолият маҳсулини ўрганиш, экспертлик сўров, статистик маълумотларни таҳлил этиш, танланма кузатув, мониторинг, анкета сўровидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аҳоли бандлигини оширишда банд бўлмаган аҳолини касбга йўналтириш (АҚШ), ходимларни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий тўловлар тарзидаги моддий тақдирлаш (Япония), ишсиз қолган ёки ишидан ажралиб қолиш хавф солаётган шахсларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш (Исроил), иш билан банд ходимлар учун касб тайёргарлиги ва қайта тайёрлаш (Швед), давлат секторида меҳнатнинг қатъий тартибга солиниши (Хитой), таълим билан касбий амалиётнинг узвий боғлиқликда олиб борилиши (Жанубий Корея) моделларининг авфзалликлари асосланган;

таълим жараёни орқали меҳнат бозорини тартиблаштиришда фуқароларнинг доимий даромад олиб келадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш омиллари (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий)нинг аҳамияти очиб берилган;

бандликни оширишнинг ижтимоий механизмлари (давлат тузилмалари, жамоат ташкилотлари, маҳаллий бошқарув органларининг ўзаро муносабатлари) аниқланиб, уларнинг социал стратификация, тузилмавий-функционал талаблари асосида тенденцион ўзгаришлари асосланган;

кадрларни тайёрлашда «таълим муассасаси – ишлаб чиқариш – меҳнат бозори – касбга қайта тайёрлаш – иш берувчи» каби ижтимоий жараёнларни такомиллаштириш орқали аҳолини муносиб иш (қонуний иш жойи, меҳнат даромади, меҳнатга бўлган тақлиф ва талабларнинг қондирилиши) билан таъминлашга эришилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот ишимиз натижасида олинган хулоса ва тавсиялардан, маҳаллий ҳокимият бошқарув органлари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва янги иш жойларини яратиш каби мақсадли дастурларни тайёрлашда фойдаланиш имкониятлари аниқланган;

ёшларни ва ногиронлиги бўлган шахсларни самарали бандлик ҳамда муносиб иш билан таъминлаш йўналишлари асосланган;

назарий методологик концепцияларга таянган ҳолда аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий механизми белгилаб берилган. Бунда давлат тузилмалари, жамоат ташкилотлари ва маҳаллий бошқарув органларининг ўзаро муносабатлари ҳамда ҳаракатлари бандликни оширишда алоҳида иштирок этиши очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, фойдаланилган назарий ёндашувлар иқтисод ва социология методологияларига таянган ҳолда татбиқ этилганлиги, тадбиркорлар қатлами орасида ўтказилган репрезентатив танловга асосланган эмпирик социологик тадқиқот натижаларига таянилганлиги, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг

тажриба-синов ишлари натижалари асосида ишлаб чиқилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти меҳнат бозори институтлашувига оид таълимотлар, аҳоли бандлигини таъминлаш механизми, меҳнат бозорининг замонавий методологияси, кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялашувининг зарурияти асосланганлиги, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар моҳияти ва меҳнат бозорига оид назарияларнинг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, аҳоли бандлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги меҳнат шартномаларини имзолаш, уларга қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритиш ва уларни тугатиш каби тартибларни электрон кўринишда рўйхатдан ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аҳоли бандлигини оширишда банд бўлмаган аҳолини касбга йўналтириш (АҚШ), ходимларни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий тўловлар тарзидаги моддий тақдирлаш (Япония), ишсиз қолган ёки ишдан ажралиб қолиш хавф солаётган шахсларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш (Исроил), иш билан банд ходимлар учун касб тайёргарлиги ва қайта тайёрлаш (Швед), давлат секторида меҳнатнинг қатъий тартибга солиниши (Хитой), таълим билан касбий амалиётнинг узвий боғлиқликда олиб борилиши (Жанубий Корея) моделларининг авфзалликларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4804-сон «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 6-илоvasи «Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишчи кучининг рақобатбардошлигини ошириш» дастурининг 11-бандини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 12 апрелдаги 01/00-03/14-4258-сонли маълумотномаси). Мазкур натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши мамлакатимизда «Ишга марҳамат» Моно марказлар, қисқа муддатли ўқув курсларнинг ташкил этилишига ва бу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш даражаси оширилишига хизмат қилди.

Таълим жараёни орқали меҳнат бозорини тартиблаштиришда фуқароларнинг доимий даромад олиб келадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш омиллари (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий)нинг аҳамияти очиб берилганлигидан «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан 2020 йилда «Ўзбекистонда камбағалликни камайтириш масалалари» мавзусида ўтказилган социологик тадқиқотларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 12

апрелдаги 01/00-03/14-4258-сонли маълумотномаси). Мазкур натижалардан фойдаланиш Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлашда ва оширишда самарали бошқариладиган механизмни шакллантириш орқали аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва ўзини-ўзи банд қилиш тизимини такомиллаштиришга эришилди;

бандликни оширишнинг ижтимоий механизмлари (давлат тузилмалари, жамоат ташкилотлари, маҳаллий бошқарув органларининг ўзаро муносабатлари) аниқланиб, уларнинг социал стратификация, тузилмавий-функционал талаблари асосида тенденцион ўзгаришлари асосланганлигидан «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан 2020 йил 3-9 июнь кунларида «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти: ҳолати, муаммолар ва ечимлар» мавзусида ўтказилган социологик сўровида «А» блокида 3 та, «В» блокида 3 та, «С» блокида 4 та саволларни тузишда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2021 йил 1 апрелдаги 01-16/107-сонли далолатномаси). Ушбу натижаларнинг амалиётга жорий этилиши мамлакатимизда бандликни оширишга таъсир этувчи омиллар асосида аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган «йўл харитаси»ни ишлаб чиқишда ўз самарасини кўрсатди;

кадрларни тайёрлашда «таълим муассасаси – ишлаб чиқариш – меҳнат бозори – касбга қайта тайёрлаш – иш берувчи» каби ижтимоий жараёнларни такомиллаштириш орқали аҳолини муносиб иш (қонуний иш жойи, меҳнат даромади, меҳнатга бўлган таклиф ва талабларнинг қондирилиши) билан таъминлашга эришилишига асосланган таклифларидан «Ижтимоий бошқарув ва касбий такомиллашув» мавзусида ўтказилган социологик сўровда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2021 йил 1 апрелдаги 01-16/107-сонли далолатномаси). Ушбу натижалар маҳаллий ҳокимият бошқарув органлари томонидан қонун ижодкорлиги, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш каби мақсадли дастурларни яратишга хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур илмий тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация илмий иш мавзуси натижалари юзасидан жами 22 дан ортиқ илмий ишлар, хусусан ОАК рўйхатида келтирилган журналларда 10 та илмий мақола, шу жумладан, чет эл журналларида 1 та илмий мақола, илмий-амалий конференциялар тўпламларида 10 та маъруза ва тезислар нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта бобдан иборат бўлган 9 та параграф, хулоса қисми, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 149 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Илмий тадқиқот ишининг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсадлари ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Илмий ишнинг биринчи боби **«Аҳоли бандлигини социологик ўрганишнинг назарий-методологик асослари»** деб номланган бўлиб, бу боб бандлик тушунчасининг илмий-назарий таснифи, иш билан бандлик шакллариининг социологик таснифи ва бандликка таъсир этувчи омилларнинг функционал ролини, бандликни тартибга солиш ҳамда меҳнат бозорининг таъсирини ўз ичига олади. Иш ва бандлик масаласига доир турли назариялар яратилган бўлиб, бунда Д.Кейнс ва неокейнсчиларни, монетаристлар ва неоклассикларнинг назарияларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу назариялар иш ва бандликнинг илмий-назарий асосларини ташкил этиб, миллий меҳнат бозорини вужудга келиши учун амалий мазмун касб этади. Аҳолини иш билан таъминлаш, шахс ва жамият ҳаётини таъминлашга, моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган бўлиб, уни миллий ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий каби жабҳалари мавжуд.

Фуқароларнинг эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ бўлган, қонунларга зид бўлмаган ва буларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолияти, бандликнинг аҳволи, унинг энг муҳим хусусиятлари, миллий фаровонлик ҳақида, иқтисодий ривожланиш соҳасида танланган йўлнинг самарали эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

Диссертант томонидан иш билан банд аҳолининг шаклланиши, қонуний иш жойи ва меҳнат даромади таъминланган аҳоли сонининг кўпайиши билан боғлиқ бўлиб, унда меҳнат масалалари муаммолари ҳамда меҳнатга бўлган таклиф ва талабларни қондириш йўллари очиб берилган. Ижтимоий иқтисодий соҳалардаги ислохотларни ривожлантириш унинг кўламини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишда бугунги кунда аҳоли бандлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кенг қамровли статистик тадқиқот ўтказиш учун демографик омиллар, шунингдек, уларнинг меҳнат бозори ва аҳоли бандлигига таъсирини батафсил ўрганиш зарур. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: «Янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш; меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини

яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш» бўйича муҳим йўналишлар белгилаб берилганлиги, мазкур вазифаларнинг бажарилиши республикамизда демографик жараёнлар ва меҳнат бозори ўзаро боғлиқлигини статистик ўрганишни такомиллаштиришни талаб этади.

Илмий тадқиқот ишининг биринчи бобида аҳоли бандлигини социологик ўрганишнинг назарий-методологик асослари, бандлик тушунчасининг илмий-назарий, иш билан бандлик шакллариининг социологик таснифлари ва бандликка таъсир этувчи омилларнинг роли, миллий меҳнат бозорининг жорий ҳолати ҳамда истиқболли тараққиёт йўли каби масалалар очиб берилган.

Ижтимоий-иқтисодий соҳанинг сифат жиҳатидан аввалгисидан тубдан фарқланувчи ҳар бир юксалиш поғонаси учун аҳолини иш билан банд қилишнинг белгиланган модели мос келади, сабаби унинг муҳим ўзига хослиги жамият фаолиятининг асосий мезонларини очиб беради. Аҳолининг иш билан таъминлаш ёки бандлик модели давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг белгиланган босқичидаги бандликни таъминланишнинг ўзига хослигини номоён қиладиган тасаввурлар, қарашлар тизимидир. Бу эса ўз навбатида, муайян вақт мобайнида ечилиши шарт бўлган мақсадларга эришишнинг реал имкониятлари билан чекланмайди. Меҳнат бозори статик эмас, динамик характерга эга бўлиб, унга сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий ва бошқа ижтимоий омиллар таъсир кўрсатади. Аҳолини бандлигини ошириш ҳамда бу жараёнларни тартибга келтиришда бу омилларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф нисбатан ўзгариб туради (1- чизма).

Омиллар:		
Меҳнат бозорига таъсир қилувчи омиллар	Ишчи кучига меҳнат бозорига бўлган талабга таъсир қилувчи омиллар	Ишчи кучи таклифига меҳнат бозорига таъсир қилувчи омиллар
аҳоли сони, уларнинг ёши ҳамда жинсининг салмоғидаги ўзгаришлар;	Республиканинг иқтисодий-ижтимоий ривожланганлик ҳолати;	демографик ҳолат (туғилиш ва ўлим даражаси, жинсий таркиби, аҳолининг ўсиши);
қўшимча ишчи- кучларини ишлаб чиқариш жараёнларига йўналтириш мезони;	ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлашуви;	миграция (аҳоли ва меҳнат миграцияси);
иш билан бандликдаги тармоқ ва ҳудудий ўзгаришлар;	ишлаб чиқариш ҳажмига, унинг ўсиш суръатига;	Иқтисодий-ижтимоий омиллар (ишсизлик даражаси, иш ҳақи ҳолати, нафақа таъминоти даражаси);
меҳнат ресурсларини тартиб ва усулига.	иқтисодий соҳадаги умумий вазият ва шарт-шароитлар (иш берувчи (корхона, ташкилот)нинг даромад ҳолати, янги иш ўринларини ташкил этишдаги имтиёзлар).	давлат фаолияти (бандликни тартибга солиш).

1-чизма. Ишчи кучига меҳнат бозорига талаб ва таклифга таъсир қилувчи омиллар⁷.

⁷ Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.


Диссертациянинг иккинчи боби «**Бозор муносабатлари даврида бандлик муаммолари**» деб номланган бўлиб, бунда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг малакали меҳнат бозорини шакллантиришдаги ўрнини белгиловчи кўрсаткичлар, мазмуни ва тузилишига кўра ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва тиббий мазмун касб этади. Иш билан бандликни ошириш, бевосита таълим тизимига боғлиқ бўлиб, мазмундорлиги жиҳатидан истиқболга йўналтирилган масала ҳисобланади. Меҳнат жараёни инсон ижтимоий камолотининг энг муҳим томонларидан бирини, яратувчанликни очиб берадики, бу унинг меҳнат натижасини кўрсаткичи сифатида бирон бир предмет кўринишида намоён бўлади. Бироқ, ижтимоий рақобат тобора ўсиб бораётган шароитда малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишда педагог шахсининг мустақил равишда касбий жиҳатдан ўз-ўзини такомиллаштириш замон талабига айланиб бораётганлиги, «таълим – ишлаб чиқариш – касбий малака ошириш – қайта касбга тайёрлаш – ишлаб чиқариш» каби ижтимоий тизимни амалда татбиқ этишни тақозо этади. Шу сабабли, меҳнат бозорида рақобат тобора ўсиб бораётган шароитда малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишда педагог шахсининг мустақил равишда касбий жиҳатдан ўз-ўзини такомиллаштириш сифатларини шакллантириш мақсадида:

биринчидан, мамлакатимизда касбий таълим соҳасидаги тадқиқотларни мувофиқлаштириш, илмий натижаларни тарғиб қилиш, жамоатчиликка етказиш, амалиётга жорий этилиши жараёнларини жадаллаштириш ва муаллифларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида портал таркибида электрон илмий нашрлар фаолиятини йўлга қўйиш;

иккинчидан, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида педагог шахсини касбий компетентлигини таъминлашга нисбатан технологик ёндашувга эришиб, замонавий мутахассис-кадрлар тайёрлаш учун маънавий базани мустаҳкамлаб, таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш бирлашмалари орасида мақсадли ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун, ишлаб чиқариш муассаса вакиллари таълим жараёнига жалб этиб, амалий машғулотларни ишлаб чиқариш муассасаларида ўтказиб, сифатини баҳолашни йўлга қўйиш;

учинчидан, бандлик билан шуғулланувчи институтларнинг фаолиятини самарадорлик предмети бўйича мақсадли таҳлилин аналга ошириб, унинг ходимларини индивидуал касбий фаолиятини баҳолаб, улар учун услубий қўлланмалар, социологик тадқиқотларни ўтказиш усулларида фойдаланиш учун йўриқномалар тайёрлаш лозим;

тўртинчидан, дунёнинг барча мамлакатларида, шу жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам фан ва техника ютуқларини маиший ва ижтимоий ҳаётга фаол кириб келишини, фаолиятнинг барча соҳаларида компьютер технологияларини кириб келиши ҳамда маиший жараёнларни маданийлашуви натижасида хизмат кўрсатиш турларини автономлашувини инobatга олиб янги касбий ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.



Ўзбекистон Республикасида банд аҳоли сонининг худудлар кесимида фоизлардаги салмоғи.

Диссертант фикрича, меҳнат билан бандларнинг янги субъектини шакллантириш социологик муаммо ҳисобланиб, ишсиз янги социотип сифатида меҳнат бозорини шаклланишида иштирок этмоқда. Аммо, мутахассисларнинг иштирокисиз уни ҳаракатлари бесамар ҳисобланади. Чунки аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳукукий, тиббий, иқтисодий ва ижтимоий асосларга эга бўлиши билан бирга, белгиланган меъёр ва тақиқларга амал қилишни тақозо этади. Шунинг учун «маҳалла - ишлаб чиқариш - бандлик маркази - оила - касбга тайёрлаш курслари - ишлаб чиқариш – ишчи – таълим муассасаси» каби муносабатлар концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида, иш билан бандликка кўмаклашиш марказларининг фаолиятини функционал тарзда ўрганиб, ишсизликни индивид даражасида (етақчи мотивларнинг трансформациялашувини кузатилиши) ҳамда ижтимоий даражада (ижтимоий онг сатҳида кечаётган ўзгаришлар) кечишини социодинамик тарзда баҳолаб, ўз фаолиятларини олиб боришларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ишсизларни социал гуруҳларга ажратиб, уларнинг қобилият ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда, касбга қайта тайёрлаш ўқув курсларига юборишни институционал тарзда йўлга қўйиш лозим:

- *биринчидан*, миллий меҳнат бозоридаги бугунги вазиятни тартибга солиш, иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг асосий устуворлиги сифатида истиқболда бандликни таъминлашга эришишга замин яратиш мақсадида аҳолини иш ва бандлик билан шуғулланувчи марказларда «инсон - инсон», «инсон - техника», «инсон - ахборот», «инсон – атроф-муҳит», «инсон - табиат» каби касбий тизимларни социологик характеристикасини тайёрлаб, ўқув марказлар фаолиятини такомиллаштиришда улардан ўринли фойдаланиш лозим;

- *иккинчидан*, жамият ҳаётидаги институционал ўзгаришлар ҳамда давлат мулкчилиги ислохотлари ва иқтисодиётнинг хусусий тармоғи

шаклланиши натижасида тадбиркорликнинг турли шакллари вужудга келмоқда. Шу сабабли, «Тадбиркорлик фаолиятининг социологик таснифи»ни ўрганиш, аҳолини иш билан таъминлаш контекстида социологик таҳлилни амалга ошириш, ёш ва гендер хусусиятларни инобатга олиш, ҳудудий ишлаб чиқариш салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда иш жойларини ташкил этиш лозим;

- *учинчидан*, бандликнинг трансформацияси кечаётган бир даврда ижтимоий гуруҳларни меҳнатдан қониқиш даражасини ўрганиб, ижтимоий ҳаёт тарзининг сифатини таъминлаш учун, уни функционал - маъмурий, бошқарувли ва маданий жиҳатларини белгилаб, меҳнатдан қониқиш усулларини ишлаб чиқиш лозим;

- *тўртинчидан*, иш ва бандлик марказларининг ходимларини ўз фаолиятига функционал тарзда ёндашиб, миллий манфаатларимизни минтақавий ва жаҳон меҳнат бозорларида ҳимоясини амалга оширишга тайёрлаш лозим;

- *бешинчидан*, «ишчи – маҳалла – таълим муассасаси – ишлаб чиқариш – касбга қайта тайёрлаш марказлари – меҳнат бозори» каби социал муносабатларнинг структурасини институционал–функционал тарзда ўрганиб, меҳнат бозорининг талаб ва таклифларини инобатга олиб, манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда ёшлар меҳнат бозори, хотин–қизлар меҳнат бозори, эркаклар меҳнат бозори, имконияти чекланганларнинг меҳнат бозори, мавсумий меҳнат бозори каби меҳнат бозорларини талаб ва таклифлари ўз мақсадига эга эканлигини инобатга олиш лозим.

Диссертациянинг учинчи боби «**Аҳоли бандлигини ошириш истиқболлари**» деб номланган бўлиб, бу бобда аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий механизмини шакллантиришда мажмуавий социологик тадқиқотлар кўлами ва босқичлари, аҳоли бандлигини такомиллаштириш бўйича эмперик тадқиқотларнинг социологик таҳлили, аҳоли бандлигини оширишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари эмпирик жиҳатдан ўрганилган ҳамда илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаш-тиришда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омили бўлган жами ишчи кучини тўлиқ сафарбар этиш ва фаоллигини ошириш муҳимдир. «Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради. Бу омилнинг кучи ва таъсири энг аввало, касбий малакаси ҳамда бошқа кўпгина шарт-шароитлар орқали шаклланади»⁸.

Аҳоли бандлигининг таъминлаш объекти ва субъекти структуралари фаолиятининг ҳамоҳанглиги унга таъсир этувчи омиллар бирлигидан иборат мураккаб тизим бўлиб, унда статуслар ва роллар тақсимотига асосланган бирлик ўзининг жамоавий ўйин қоидаларига эга бўлиши. Ушбу мураккаб

⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - 252 б.

тизим ўзининг ўзаро ҳаракатида тартиблаштиришга ва келишилган фаолиятга мансуб бўлиб, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, самарали бошқариладиган механизмга эга бўлишни тақазо этмоқда.

Диссертант фикрича, аҳоли бандлигини ошириш бўйича қилинган ишлар ўзининг ташқи омиллар асосида ривожланишдан жойларда ички инфратузилмалар орасида такомиллаштиришга, яъни Давлатнинг бандликка кўмаклашиш тузилмалари, жамоатчи ташкилотлар ва маҳаллий бошқарув органларининг ўзаро муносабатини мувофиқлашган ҳаракати ҳамда улар фаолиятини самарали ташкил қилиш ижтимоий механизмга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзуси юзасидан олиб борилган тадқиқотларда 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган барча аҳоли қатламининг фикрини ўрганиш ва тадқиқотларга жалб этиш кўзда тутилди. Бундан ташқари, анкета сўрови тадқиқотида бандликка кўмаклашиш тузилмаларидан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, бандлик институтлари, меҳнат бозори бандлик тузилмалари, аҳолининг ўзини-ўзи иш билан таъминлаш ташкилотлари, кадрларни тайёрлаш ва ишга жойлаштириш марказлари вакиллари тадқиқот объекти сифатида ўрганилди.

Тадқиқотни ўрганиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий тақсимотига асосланиб, тадқиқот ўтказиш схемаси асосида тўртта вилоят ва Тошкент шаҳридан респондентлар танлаб олинди. Тадқиқотнинг умумий мажмуасидан келиб чиқиб, 1000та респондентлар иштирок этиши белгиланиб олинди. Ишсизлик ва бандликнинг асосий беш турига қараб 200 тадан респондентларни қатнашиши режалаштирилган бўлиб, мингта респондент қатнашган (5x200x1000). Бунда тўртта вилоят ва Тошкент шаҳри респондентлари бешта сўров объектини ташкил қилиб, сўровда қатнашувчи респондентлар 40та ва 5та ҳудуд ҳамда 200та респондент қатнашди. 40 та респондентларни олиш асоси анкета сўровида қатнашувчиларнинг сони статистик танланма қаторлар тақсимот қонуни аниқлигини Т Стъюдента критерияси бўйича респондентлар сони 30дан кам бўлмаслигига асосланиб, 30та ва кўшимча айрим техник хатоликлар учраши эҳтимолини эътиборга олиб 10та ва ҳаммаси бўлиб, танланма қаторлар сонини минималлик даражасини 40та деб белгиланди.

Саралаб олиш белгиланган ҳудудлардаги мавжуд маҳаллаларнинг аҳоли рўйхати ёзилган қайд журналидан тасодифий услуб орқали танлаб олинди. Олиб бориладиган тадқиқот миқдорий аҳамият касб этгани учун тадқиқот ўтказиш услуби анкеталаштириш ёрдамида ўтказилди.

Сўровда иштирок этган респондентларнинг ёш кўрсаткичлари қиёсий таҳлили уларнинг 37 фоизини (352 киши) 16 ёшдан 30 ёшдаги, 32,1 фоизини (306 киши) 31-45 ёшдагилар, 21,2 фоизини (202 киши) 46-60 ёшгача, 9,7 фоизини (82 киши) 60 ёшдан юқори бўлган иш билан банд бўлмаган фуқаролар ташкил этганлигини кўрсатди (1.1-жадвал, 1.1-расм).

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек, аҳолини иш билан банд қилиш доирасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш жараёнида мазкур муаммога дуч келаётган фуқароларнинг асосий


қисми, яъни учдан икки (3/2) қисмини ёшлар ташкил этганлигини инобатга олиш лозим.

1.1-жадвал

Респондентларнинг ёш кўрсаткичлари хусусиятлари

Ёш кўрсаткичлари	Турар жой											
	Тошкент шаҳри		Тошкент вилояти		Андижон вилояти		Фарғона вилояти		Қашқадарё вилояти		Жами	
	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
16-30 ёш	78	39,4	70	35,7	86	45,5	62	32,1	56	31,8	352	37,0
31-45 ёш	72	36,4	64	32,7	76	40,2	54	28,0	40	22,7	306	32,1
46-60 ёш	32	16,2	50	25,5	19	10,1	61	31,6	40	22,7	202	21,2
60 ёшдан юқори	16	8,1	12	6,1	8	4,2	16	8,3	40	22,7	92	9,7
Жами	198	100	196	100	189	100	193	100	176	100	952	100

Мазкур кўрсаткичларнинг тадқиқоти амалга оширилган маъмурий ҳудудлар кесишмасидаги қиёсий таҳлили сўровда иштирок этган иш билан банд бўлмаган фуқаролар:



1.1-расм. Респондентларнинг ёш кўрсаткичлари хусусиятлари (% ҳисобида)

Андижон вилоятида - 45,5 фоизини (86 киши) 16 ёшдан 30 ёшдагилар ҳамда 40,2 фоизини (306 киши) 31-45 ёшдагилар;

Тошкент шаҳрида - 39,4 фоизини (78 киши) 16 ёшдан 30 ёшдагилар ҳамда 36,4 фоизини (72 киши) 31-45 ёшдагилар;


Фарғона вилоятида - 31,6 фоизини (61 киши) 46-60 ёшгача бўлганлар;

Қашқадарё вилоятида - 22,7 фоизини (82 киши) 60 ёшдан юқори бўлган фуқаролар ташкил этганлигини кўрсатди⁹ (1.1-жадвал, 1.1-расм).

